




КЕЧАГИ ТАШВИШЛАР, БУГУНГИ ҚУВОНЧЛАР

ГУЛИСТОН ШАҲРИ ҲАҚИҚИЙ ГУЛИСТОНГА АЙЛАНМОҚДА

БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛГАНИ КАБИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҲАМ УЛКАН БУНЁДҚОРИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ВИЛОЯТ МАРКАЗИ, ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРИБ, АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2015 ЙИЛ 5 МАРТ КУНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ ВИЛОЯТ ҲАЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРДИ.



Давлатимиз раҳбари сирдарёликлар билан учрашувда кейинги йилларда Гулистон шаҳрида 380 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани, жумладан, 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ ҳисобидан 18 та дренаж қудуқлари реконструкция қилингани, 15 ки-

лометрлик очиқ ва ёпиқ зовурлар тозалангани бу шаҳар учун ўткир муаммо бўлган сизот сувлари сатҳини сезиларли даражада, яъни 30 сантиметрга пасайтириш имконини берганини таъкидлади. Вилоятни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, кенг қўламли қурилиш ва

ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, Гулистон шаҳрини ҳақиқий гулистонга айлантириш бўйича қатор режа ва мақсадларни баён этди. Оралдан тўрт кун ўтиб — 2015 йил 9 мартда Президентимизнинг «2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада та-

комиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди.

► Давоми 3-бетда.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

САЙЛОВЧИ НИМАНИ ИСТАЙДИ?

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораёпти. Бу ўз навбатида сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари зиммасига катта масъулият юкламоқда.



Бугун сиёсий партиялар фракциялари ўзи мансуб бўлган партия электорати манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганиб, таклифлар ишлаб чиқиш, уларни қонунчиликка акс эттиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатларнинг жорий йил 23-26 ноябрь кунлари сайлов округларида олиб борган фаолияти натижалари кўриб чиқилди.

► Давоми 2-бетда.

Корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини янада ривожлантириш зарур. Бунда иш берувчиларнинг ўқувчиларнинг юқори касбий малакасини кафолатловчи ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш борасидаги масъулиятини ошириш лозим.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

ЎЗХДП: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

ЗЕРИКАРЛИ ТАДБИРЛАР ҳеч кимга фойда бермайди

Жаҳоннинг айрим давлатларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий беқарорликлар, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви авж олаётган бугунги шароитда одамларда фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ҳар бир кишида мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш муҳим масала бўлиб турибди. Чунки инсон фуқаролик бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис қилса, атрофдаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини тереан англаса, унда ўзига ва келажакка ишонч, эл-юрт

равнақига дахлдорлик туйғуси кучаяди. Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага ҳам яна бир бор эътибор қаратилди. Хусусан, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш лозимлиги таъкидланди. Маълумки, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб қайтди. ЎзХДП

фракцияси аъзоларининг қайд этишича, аҳоли, айниқса, ёшлар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга катта қизиқиш билан қарамоқда, депутатлар билан учрашувларда фаол иштирок этмоқда. Ёшларда сиёсий жараёнларга, хусусан, сиёсий партиялар ҳаётига бўлган қизиқишини янада ошириш чораларини кучайтиришимиз лозим. Бунинг учун ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини кучайтириш энг муҳим масалалардан биридир.

► Давоми 2-бетда.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН САНДИФИ

ёки Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчиларининг матонатли меҳнати ва уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Навоий вилоти илдиэлари мозийга туташган Кармана шаҳри, Работи Малик, Нурота каби қадимий манзиллар, Тошмасжид, Чилустун, Қўқтумбаз каби обидалар, Қосим шайх, Ориф Дехгароний каби азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжоси, бепоён сахро бағрида Навоий ва Зарафшон, Учқудуқ каби шаҳарлари билан бағри бутун, қадди баланд вилот. Ўз меҳнатидан барака топаётган инсонлар маскани, олтин, кумуш, пахта, ғалла, қорақўл сингари ноёб бойликларга кон замин.



4

«ЭЪТИРОФ — 2015»

«Истиқлол» санъат саройида маданият, санъат, спорт, журналистика ва бадий ижод соҳаларидаги «Эътироф — 2015» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар жараёнида навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларда мустаҳкам ҳаётий позиция, бадий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида маданият, санъат, спорт ва бадий ижод соҳаларини изчил равнақ топтиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

► Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

«Биз ҳам Ўзбекистон ХДПни танладик»

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун қандай аҳамиятга эга?

■ ХУДУДИЙ
СЕМИНАРЛАР

Бошлангич
ташкilotлар

маҳаллалар билан
ҳамкорликни янада
ривожлантирмоқда

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан Янгиер шаҳридаги «Обод юрт» маҳалла фуқаролар йиғинида бошлангич партия ташкилотлари фаолияти самардорлигини ошириш масалалари бўйича семинар ўтказилди.

Семинар-тренингни Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси Алишер Тошматов кўриш сўзи билан очиб, тадбирдан қўзланган мақсад, бошлангич ташкilotларнинг партия тизимида тутган ўрни, электрорат манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда вилоятда партиянинг аъзолари сони сезиларли даражада ортиб бормоқда. Айни пайтда вилоят кенгаши атрофида 15 минг нафардан ортиқ аъзо бirlашган. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида партия сафига 1375 нафар янги аъзо қабул қилинди.

— Бугун шаҳримизда партиянинг 20 бошлангич ташкilotи фаолият юритмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси Исмаилов Исоқов. — Уларга 1165 нафар партия аъзоси бirlашган. Сўнгги пайтларда маҳаллалар билан алоқаларни кенгайтириш, депутатларнинг қўйи бўйин билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, электрорат вакилларнинг хоҳиш-истаклари, муаммоларини ўрганиш ҳамда депутатлар ва ҳамкор ташкilotлар кўмағида уларни ҳал этиш масалалари ҳақида эътибор қаратаётиз. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, партиянинг оилаларга ҳам чуқур кириб боришга ҳаракат қилаётиз. Мисол учун шаҳримизда яшовчи Сайид-аҳмедовлар оиласи аъзоларининг 22 нафари партиянинг сафига қўшилди. Буларнинг барчаси партиянинг фойдаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишнинг самарасидир.

— Бошлангич ташкilotимизда 55 нафар партиянинг аъзоси бор, — дейди «Обод юрт» маҳалласидаги ҳудудий бошлангич ташкilot етакчиси Насриддин Насриддин. — Улар билан ҳар шанба кўни йиғилишиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мавзуларда машғулотлар ўтказиб тураётиз. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан алоқа ўрнатганмиз. Электрорат мурожаатлари бўйича депутатлар билан фикрлашамиз.

Семинарда партия Марказий Кенгаши Бошлангич ташкilotлари билан ишлаш сектори ходими Рустам Раҳимов ЎзХДП Боёвут туман кенгаши раиси Рабимқул Ибрагимов, ЎзХДП Гулистон туман кенгаши раиси ўринбосари Ёқубжон Мадаминов, ЎзХДП Ховос туман кенгаши раиси, Марказий Кенгаш аъзоси Назира Маҳмадова, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими эксперти Мурод Хайтов, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Хайтов Ортиқбоева ва бошқалар сўзга чиқиб, маҳаллий партия кенгашлари билан қўйи бўйинларнинг узвий алоқасини йўлга қўйиш бошлангич партия ташкilotлар фаолиятини, аиникса, қишлоқ жойларда қўлаб-қувватлаш, рағбатлантириш кераклигини таъкидлашди.

Жанглиш ҲАСАНОВА

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

САЙЛОВЧИ НИМАНИ ИСТАЙДИ?

Йиғилишда сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалар, ўрганилган маълумотлар атрофида таҳлил қилинди. Таъкидландики, фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти давомида сайловчилар билан 266 учрашув, давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди. Уларда фракция аъзолари, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, парламентнинг қўнун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга батафсил ахборотлар беришга эътибор қаратишди.

Юртимиз эришган, дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётган ютуқ ва марралар, иқтисодиётнинг изчил ривожланиётгани, аҳоли фаровонлиги йилдан-йилга ошиб, жажонда мамлакатимиз бўлу-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани, мустақиллик йилларида сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташки сиёсат ва хавфсизлиги таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, олдидан турган муҳим вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, учрашувларда Президентимизнинг шу йил 23 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузаси мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ишларида алоҳида эътибор қаратилди. Маърузада парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тўбдан яхшилаш, қўнун ижодкорлиги ва қўнунчилик фаолияти сифатини ошириш юзасидан белгиланган бirlашган вазифалар, ўтган вақт мобайнида парламент томонидан бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида атрофида ахборот берилди.

— Жойларда бўлганимизда мамлакатимизда барча жаҳада олиб бirlашган ислохотлар ҳаётий самаралар бераётганига, фуқаролар уларни ҳар томонлама фаол қўлаб-қувватлаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик, — деди Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Аваз Урдибоев. — Аҳолининг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий фаолияти, ҳаётга ва меҳнатга муносабати тўбдан ўзгараётгани, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, аиникса, ёшларимизнинг ўзига ва келажакка ишончи ортиб бораётганини кўзимиз билан кўрдик. Қабул қилинган қўнунларнинг ижроси, қандай қўнунларга эътиҳж борилиги, аҳоли, ҳусусан, электрорат вакиллари қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нима қилиш зарурлигини

Давоми. Бошлангич 1-бетда.

■ ЎЗХДП: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

ЗЕРИКАРЛИ ТАДБИРЛАР

ҳеч кимга фойда бермайди

Айтиш керакки, ЎзХДП Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкilotларида мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарлар айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Партия Марказий Кенгашидан тортиб, то бошлангич ташкilotларга қадар тўрт босқичда олиб бirlашган туркум машғулотларда партия дастурий мақсадларини тарғиб қилишга, юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинган қўнунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга, шунингдек, мамлакатнинг модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнида электрорат манфаатлари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ва ҳаётий тақлифларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

— Олдимизга қўйган мақсадларимизнинг тўла-тўқиса амалга оширишда оммавий-сиёсий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни нисбатан катта, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Акмал Турсунбоев. — Демак, жойларда ўтказилаётган тадбирлар курак расмийликка айланб қолмаслиги учун қўпроқ ижтимоий масалаларга, аҳолини ўйлантириб турган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилишимиз талаб этилади.

Давоми. Бошлангич 1-бетда.

Фуқароларнинг 380 мурожаати жойида ҳал этилган бўлса, 168 мурожаат маҳаллий давлат органларига, 53 мурожаат эса тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкilotларга юборилиши режалаштирилмоқда.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ни ўрганиш сайлов округларидаги фаолиятимизнинг муҳим йўналиши бўлди.

Депутатларнинг қайд этишича, сайловчилар билан учрашувлар очик ва самимий руҳда бўлиб ўтган. Яна шуниси эътиборга молики, депутатлар муайян ижтимоий масалаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бirlашга жойида ҳал қилишга эришган. Ҳусусан, фуқароларнинг 380 мурожаати жойида ҳал этилган бўлса, 168 мурожаат маҳаллий давлат органларига, 53 мурожаат эса тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкilotларга юборилиши режалаштирилмоқда. Уларда аҳолини табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг янада яхшилаш бўйича олиб бirlашган ишлар, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида берилиши каби масалаларга эътибор қаратилган.

— Фракциянинг аъзоларига банд бўлмаган аҳоли, аиникса, ёшлар бандлигини таъминлаш, ногиронларни қўлаб-қувватлаш иш ўринларига жойлаштириш, қишлоқ жойларида йиғит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, чекка ҳудудларда яшовчи кишиларга амбулатория хизматларини кўрсатиш, дори-дармон таъминотини яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш масалаларида саволлар ва мурожаатлар бўлган, — дейди Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Собитжон Турғунов. — Биз сайловчилар мурожаатларини ҳал этиш чораларини кўряпмиз, албатта. Лекин шу билан бirlашга, долзарб ижтимоий масалалар бўйича парламент назоратини қўлайтиришимиз, аҳолини

ўйлантириб келаётган ҳар бир муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, тизимли ҳал қилишга эришишимиз керак, деб ўйлайман. Шунда сайловчилар билан учрашувларимизнинг самардорлиги янада ошади.

Фракция аъзоси Кахрамон Мирзаевнинг айтишича, учрашувлар давомида партияимизнинг устувор дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масаласи ҳам ўрганилган.

— Мазкур йўналишда барча ҳудудда кенг қўламли ишлар олиб бirlашмоқда, — дейди депутат. — Аммо ютуқлар билан бirlашга, айрим муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, таълим муассасалари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришга етарлича эътибор берилаётган айрим ҳолатлар учрамоқда.

Йиғилишда фракция аъзоларининг сайловчилар билан учрашувларида кўтарилган баъзи масалаларни парламент даражасида қўриб чиқиш талаб этилаётгани алоҳида таъкидланди. Ҳусусан, мактабга таълим тизимини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни мактабга таълим муассасаларига қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ижросини қўлайтириш масаласи долзарбдир. Қишлоқ жойларда мактабга таълим муассасаларига бўлган эътиҳжни ўрганиш ва шундан келиб чиққан ҳолда, бундай муассасаларни барпо этиш масалаларига эътибор қаратиш керак бўла-

ди. Шунингдек, мактабга таълим муассасаларини кадрлар билан етарли даражада таъминлаш ва малакасини ошириш, махсус мактабга таълим муассасалари фаолиятини ўрганиб чиқиб, улар учун индивидуал махсус дастурларни қайта қўриб чиқиш ва қабул қилиш, боғчаларда озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг содда ва самарали механизмларини татбиқ этиш, тизимда Давлат бюджетни маблағларидан оқилона фойдаланиш масалаларида парламент ва жамоатчилик назоратини қўлайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, банд бўлмаган аҳоли, аиникса, ёшлар, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислигига қўра ҳамда улар учун қўнунчиликда мутахассисларнинг кафолатли иш ўринларига жойлаштириш масалалари юзасидан парламент назоратини давом эттириш муҳим вазифа экани қайд этилди. Йиғилишда депутатлар 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга оид дастурлар ижросига эътибор қаратиш, мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш борасида олиб бirlашган ишларнинг самардорлигини ошириш йўналишларида ҳам тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Фракция йиғилишида депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти яқини атрофида таҳлил этилгандан сўнг тегишли қарор қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

тибда қишлоқларига эътибор қаратилди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Тўғриси, танлов ғолиблари эълон қилингунча зал тўлиб турди.

— Менимча, тадбирларни қизикarli ўтказиш учун саволни ҳам, ечимни ҳам аудиториянинг ичидан қидириш керак. Шундангина иштирокчилар фаол бўлади, қалғимайди, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Мукаддас Раҳматуллаева. — Айтайлик, қўнун тарғиботига бағишланган семинарда давра тўрига чиқиб, қўнун шарҳини расмий тилда ўқиб бериш керак эмас. Аввало, иштирокчилардан мазкур ҳужжатда ифодаланган ҳуқуқини қай даражада билишини ёки қандайдир қўнун бўзилиш ҳолатидан мисол келтириб, энди қандай йўл тутиш лозимлиги бўйича фикрини сўраш яхши самара беради. Қўнун содда тилда, имкон қадар тасвирлар, мисоллар ёрдамида тушунтирилса, у ҳақда аниқ тасаввур уйғонади. Яна бirlашга. Вақти-вақти билан тадбирда иштирок этувчи фаоллар, олим ва мутахассисларни рағбатлантириб туриш ҳам фойда беради.

Бугун одамларнинг дунёга, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга, қолаверса, сиёсий партияларга муносабати ўзгариб, юксалиб бораётганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шунини ҳисобга олиб, тадбирларимиз, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувлар самардорлиги ҳақида ҳолис ҳулоса чиқаришимиз керак бўлади.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

Келажакка
дахлдор
вазифалар

Ўзбекистон ХДП
Хоразм вилоят
кенгаши «Бола
саломатлиги
аввало, онанинг,
оила ва жамиятнинг
бахти» мавзусида
давра суҳбати
ўтказди.

Унда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни чуқур ўрганиш, уларни амалга оширишда ижтимоий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр юритилди. Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинадиган дастурга электрорат манфаатларидан келиб чиқиб, тақлифлар тайёрлаш, бу борада партия ташкilotлари ва гуруҳлари олдидан турган вазифалар муҳофаза этилди.

— Президентимизнинг мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни воғга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгиланганлиги қайд этилди. Йиғилишда депутатлар 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга оид дастурлар ижросига эътибор қаратиш, мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш борасида олиб бirlашган ишларнинг самардорлигини ошириш йўналишларида ҳам тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Фракция йиғилишида депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти яқини атрофида таҳлил этилгандан сўнг тегишли қарор қабул қилинди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Абдиқаримова иштирок этиб, келгуси йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниладиган қўзланган эзгу мақсад, Президентимиз томонидан давлат ва жамият олдига қўйилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш масалалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бirlашиб, Соғлом она ва бола йилида партия ташкilotлари ва маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг вазифалари, соғлом бола тарбияси, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг эрта турмушга узатилиши, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёшлар тўғрисида қўламли кенгайтириш масалаларида тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Санобар БЕРДИЕВА,
Ўзбекистон ХДП Хоразм
вилоят кенгаши бўлими
мудри.

■ 2015 йилнинг 9 ойи мобайнида «КЕКСАЛАРИМИЗ — ЁШЛАР ЭЪЗОЗИ ВА ЭЪТИБОРИДА», «КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛИЯТ» ЛОЙИХАЛАРИ ДОИРАСИДА 450 ДАН ОРТИҚ ТАДБИР ВА ҲАШАРЛАР ЎТКАЗИЛДИ. УЛАРДА 29 МИНГГА ЯҚИН КИШИ ҚАМРАБ ОЛИНДИ. НАТИЖАДА 1300 ДАН ОРТИҚ АҚКА-ЎЛФИЗ ҚАРИЯЛАР ИСТИКОМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОНАДОНЛАР ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ОБОДОНЛАШТИРИЛДИ, 2400 НАФАР КЕКСАГА ХОМИЙЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ.




■ ҲАР БИР СИЁСЫЙ ПАРТИЯ АҲОЛИНИНГ МАЪЛУМ БИР ҚАТЛАМИ — ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТИНИ ИФОДА ЭТАДИ. ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ, УЛАРНИНГ ХОШИШ ИСТАГИ ВА МУАММОЛАРИНИ ЯХШИ БИЛИШИ КЕРАК. БУ ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ДОИМЫЙ МУЛОҚОТДА БЎЛИБ ТУРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТИЗИМИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ БУ БОРАДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.

«Дўстлик» канали Сирдарёдаги «Фарход» гидроэлектростанциясининг ташлама каналдан сув олади. Узунлиги 117 километр бўлган канал 236 минг гектардан зиёд майдонга обихаёт беради.

КЕЧАГИ ТАШВИШЛАР, БУГУНГИ ҚУВОНЧЛАР

ГУЛИСТОН ШАҲРИ ҲАҚИҚИЙ ГУЛИСТОНГА АЙЛАНМОҚДА



Гулистон шаҳрини ривожлантиришда ер ости суви сатҳини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганининг сабаби бор. Маълумки, ер ости суви ер юзасига яқин бўлган жойда бино қуриб бўлмайдиган, дархат ҳам тузукроқ ўсмайди. Собик тузум давридаги ўйламай, ҳисоб-китобсиз режалаштириш оқибатида Гулистон шаҳри айнан шундай ҳудудда қурилган. Шаҳар денгиз сатҳидан пастда, виллоятнинг бошқа жойларига нисбатан ҳам ботиқ ерда жойлашган. Шунинг учун шаҳардаги кўплаб сув тармоқлари, жумладан, «Дўстлик» канали ҳам икки ёндан тупроқ уюлиб, ер устидан ўтказилган. Йиллар давомида улардан сизиб чиққан сизот сувлари ахволни янада кийинлаштирган.

Президентимизнинг юқорида кайд этилган фармойиши бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат архитурта ва қурилиш қўмитаси, Сирдарё виллоят ҳокимлиги, турли идора ва ташкилотлар вакилларидан иборат Республика комиссияси тизилди. Комиссиянинг бундай кенг таркибда тузилгани ва зарур мутахассислар жалб этилгани ишни самарали ташкил этиш имконини берди.

Авалло ҳудудда илмий гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилди. 140 кузатув кудуқлари орқали Гулистон шаҳри остидаги сув сатҳи ўрганилди, уни пасайтиришнинг энг мақбул йўллари аниқланди. Шаҳарни замонавий қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 сентябрдаги қарори билан 2015-2019 йиллар даврида ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан комплекс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, Гулистон шаҳрини архитектуравий-режалар қурилиш тубдан янгилаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Ушбу кунданок аҳоли ҳаёт сифати, виллоят тарақиёти билан боғлиқ ушбу дастурни амалга оширишга киришилди. Бугунги кунда дастлабки вазифалар баҳарлиб, ўз самараларини бера бошлади. «Дўстлик» каналининг Гулистон шаҳридан ўтадиган қисмини бетонлаш ишлари якунланди.

Сирдарё виллоят фаоллари, нурунийлар ва ёшлар 19 декабрь куни бу ерда амалга оширилган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

«Дўстлик» канали Сирдарёдаги «Фарход» гидроэлектростанциясининг ташлама каналдан сув олади. Узунлиги 117 километр бўлган канал 236 минг гектардан зиёд майдонга обихаёт беради. Шу боис

қишлоқ хўжалиги экинларини узлуксиз суғориш мақсадида аввал айланма канал қазилди. Сўнг «Дўстлик» каналининг суви тўхталиб, қолдиқ сувлар насос ёрдамида чиқариб ташланди.

Бетонлаш ишларига энг малакали муҳандис ва қурувчилар, замонавий техникалар жалб этилди. Дастлаб канал туби металл конструкциялар билан мустаҳкамланди. Шағал тўкилиб, бетон ётқизилди. Филтрацияни камайтириш учун плиталар орасига эни бир метрлик геомембрана қўлланилди. Эни 50, чуқурлиги 8 метр бўлган каналнинг шаҳардан ўтадиган қисми тубдан қайта таъмирланди.

Канал остидан узунлиги 115 метр бўлган икки қаторли дюкер қурилди. 261 километрлик очик коллектор-дренаж тармоғи қайта тикланди. Янги ёпиқ дренажлар, мелиоратив насос станциялари барпо этилди.

Бундан ташқари, коллекторларда сув туриб қолишининг олдини олиш мақсадида чуқур дюкерлар қурилди. Дренаж тармоғидаги сувларни темир ва автомобиль йўллари остидан олиб ўтиш учун уларга таъсир ўтказмаган ҳолда, мураккаб технология асосида қувурлар тортилди. 230 метр узунликдаги металл қувурлар монтаж қилинди ва 3 сув ўтказиш назорат кудуқлари қурилди.

Бундай тизимли ишлар самарасида шаҳардаги ер ости суви сатҳини 1,5 метргача пасайтиришга эришилди. 2015 йилнинг март ойида ер ости сувлари сатҳи ўртача 0,9-1,2 метрни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 1,7-2,5 метргача пасайган.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар Гулистон шаҳри аҳолисининг ҳаётини тубдан ўзгартирмакда, кўнглини тоғдек кўтармокда.

Собиқ тузум даврида фақат пахта ҳақида ўйланган-у, пахта етиштирувчи одамларни ҳеч ким ўйламаган, — дейди меҳнат фариши Рауф Абдурахмонов. — Чўлда пахта етиштириш учун тортилган «Дўстлик» канали ва унинг заҳида яшаб келган гулистонликлар ҳаёти бунга мисол. Давлатимиз раҳбари виллоятимизга ташрифи чоғида бу ҳолатни қалбида, юрагидан ўтказиб гапирди. Тез кунларда катта комиссия тузилиб, зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. «Дўстлик» канали чиройли қилиб бетонлаштирилди. Атрофига дархатлар ўтказилиб, одамлар дам оладиган сўлим сайилгоҳга айлантирилмокда. Бир сўз билан айтганда, «Дўстлик» илгари пахта канали эди, энди ҳақиқий халқ каналига айланди.

«Дўстлик» каналини кенгайтириш ишларида иштирок этганман, — дейди профессор Виктор Духовний. — Канал атрофидagi уйланиннг оғир аҳоли сира ёдимдан чиқмайди. Ёзда дим, қишда зах бўларди. Хоналардан

намчил ҳид келарди. Хуллас, аҳоли тарих ҳатосидан азият чекарди. Президентимиз ташаббуси билан каналнинг замон талаблари асосида қайта таъмирлангани гулистонликлар учун тарихий воқеа бўлди.

Ер ости сувининг меъёрдан юқори бўлгани турли тиббий-ижтимоий муаммоларни ҳам юзга келтирарди. Турар жойлар ва кўп қаватли уйлар ертўлаларида сизот сувлар, очик майдонларда эса кўлмак сувлар тўпланиб қоларди.

Марказимиз «Дўстлик» каналининг ёнида жойлашган, — дейди Сирдарё виллоят Реабилитация маркази бош шифокори Татьяна Рюхина. — Биноларимиз ертўласида доим сув бўларди. Захлик даражасининг юқорилиги, чивинларнинг кўплиги турли касалликларни келтириб чиқарарди. «Дўстлик» каналининг қисқа фурсатда бетонлаштирилгани, дренаж тизими яхшиланигани самарасида ер ости суви сатҳи сезилари даражада камайди. Шаҳардаги санитарик-гигиеник ҳолат тубдан яхшиланди. Бу аҳоли саломатлигига, жумладан, марказимиз фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилади.

Илгари уйлариимиз заҳлигидан келинларимиз, қизларимиз кўпроқ қийналарди, — дейди 13-умумтаълим мактаби директори Зулхумор Холикова. — Зах оқибатида болаларимиз тез-тез касалликка чалинар эди. Президентимиз раҳнамолигида қисқа муддатда амалга оширилган ишлар натижасида бугун шароит бутунлай ўзгарди. Одамлар, айниқса, оналар ўзини хотиржам ҳис этмокда. Бунинг учун сирдарёлик барча оналар номидан давлатимиз раҳбарига чин дилдан миннатдорлик билдираимиз.

Виллоят ҳаётидаги ушбу тарихий воқеа муносабати билан Гулистондаги Ёшлар марказида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Уни Сирдарё виллоят ҳокими О.Ашурматов очди. Сирдарё виллоят илчил ривожланаётгани, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонга оптималлаштирилаётгани, шаҳару қишлоқлар обод бўлиб, одамларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Хамроев, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Тўхтаев, Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат лойиҳа илмий-текшириш институти бош директори Й.Маъруфов, «Ўзшаҳарсозлик» лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти бош директорининг биринчи ўринбосари Ш.Шоназаров ва бошқалар Сирдарё виллоятда мелиоратив ҳолатни яхшилаш, Гулистон шаҳрида ер ости суви сатҳини пасайтириш борасида қилинган ишлар, бош режа асосида шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва

ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё виллоят бўлими раҳбари Х.Ортиқбоева, Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси етакчи мутахассиси П.Дўстматов ва бошқалар Гулистон шаҳрининг қиёфасини янгилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратаётган эътибори учун виллоят ахли номидан Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча йirik шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмокда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сирдарё виллоят ҳудудий бўлими раҳбари Солихон Кудратов. — Гулистон шаҳримизда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмокда. Бир вақтлар «одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуяди» деб таърифланган кўл бағридаги шаҳримиз бугун исмига мованд гулистонга айланмокда. Бундай бунёдкорлик ишлари «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган саволга амалий жавобдир.

Ер ости сувининг баландлиги кундалик турмушимизда кўп қийинчиликлар туғдирарди, — дейди гулистонлик меҳнат фариши Даврон Муниров. — Иморат қуришга ҳадиксирардик, заҳдан шўрланиб кўчган деворларни сувайвериб силламмиз қурирди. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаб бўлмасди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ишлар бундай муаммоларга чек қўйди. Энди бемалол чиройли иморатлар қуришимиз, боғлар яратишимиз мумкин. Гулистонимиз мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан қилинмайдиган замонавий шаҳарга айланмокда. Шундай олижаноб ишларга бош-қош бўлаётган Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз.

Гулистон шаҳридаги ер ости суви сатҳини пасайтириш ишлари изчил давом эттирилмокда. Дренаж тармоқларига ўрнатилган замонавий технология асосида шаҳар остидаги сув сатҳи мунтазам мониторинг қилиб борилади. Мавжуд мелиорация ва ирригация инфратузилмаси тақомиллаштирилади.

Кейинги йилларда виллоят бўйича 3 минг 905 замонавий уй-жой, Гулистон шаҳрида 97 кўп қаватли бино барпо этилади. 1 минг 165 километр сув тармоқлари янгилаштирилади ва реконструкция қилинади. Қарийб 400 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Гулистон шаҳрининг бош режасига мувофиқ шаҳар ҳудуди кенгайтирилди. Бу ерда янги таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий саноат корхоналари барпо этилади. «Дўстлик» канали атрофи сайилгоҳга айлантирилиб, истироҳат боғи билан яхлит ансамблни ташкил этади.

Бундай кенг кўламли бунёдкорлик самарасида Сирдарё виллоят, хусусан, Гулистон шаҳри янада гўзал ва обод масканга айланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, асрлар давомида қараб ётган Мирзачўлни ўзлаштириш, уни боғу бўстонга айлантиришда ўзининг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканини амалда намойён этаётган, меҳнаткаш, бир сўзга, бағрикенг Сирдарё эли ўз олдида қўйган улғу мақсадларга албатта эришади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анвар САМАДОВ,
Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-йил 22-декабр. Сешанба
151-152 (32.055)-сон
www.uzbekistonovozi.uz

3

«ЭЪТИРОФ — 2015»

ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Эътироф» мукофоти мумтоз кўшиқ, миллий эстрада, ракс санъати, жохон мусиқа мероси, театр ва кино санъати, адабиёт, мусаввирлик, миллий ва замонавий дизайн, журналистика йўналишларида соҳа равақига ҳисса қўшаётган, изланиш ва ютуқлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, миллий маданиятимиз ва санъатимизни дунё миқёсида кенг тарғиб этаётган ижодкорлар фаолиятини халқимизга яқиндан таништириш имконини бермокда.

«Эътироф — 2015» мукофотида тавсия этилган номзодлар «Театр, кино ва оммавий томошалар», «Эстрада, анъанавий, опера хонандалиги, мусиқа ижрочилиги ва ракс санъати», «Тасвирий ва амалий санъат», «Бадий ижод,

Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри иштирокидаги «Баҳор симфонияси» концерти юртимиз ва хорижлик санъат ихлосмандларига гўят манзур бўлди. «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочилирининг республика кўрик-танлови, театр, кино, ракс, анъанавий хонандалик ва мусиқа ижрочилиги каби йўналишлардаги кўплаб ижодий лойиҳалар янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этди.

Осмоли мусаффо, тонглари осуда ва нурли, ҳаёти бахтиёр ва саодатли, халқи аҳил ва ҳамжихат юртдагина санъат ва маданият, бадий ижод, спорт гуллаб-яшнади, — дейди «Йилнинг энг яхши бастакори» номинацияси голиби Ойдин Абдуллаева. — Камтарона меҳнатларим эътирофга муносиб топиладиган гўят мамнунман. Ушбу мукофот кўпроқ изланишга, ёшлар тарбияси, онгу тафаккурини ёт гоьлардан асраб-авайлаш йўлидаги масъулиятни чин юрак-



журналистика ва телевидение», «Спорт», «Эътибор, эътиром, эъзоз» каби олти йўналиш асосида йилгирма уч номинация бўйича аниқланди.

2015 йил мамлакатимиз маданият ҳаётида гўят бой ва сермахсул кечди. Қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивали мусиқауносларнинг ўзаро мулоқот ва маҳорат майдонига айланиши билан бирга, миллий санъатимизнинг анъана ва мактабларга нечоғли бой эканини намойиш этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри 86-ижодий мавсумини янгилашган, янада кўркам ва мухташам қиёфа касб этган бинада бошлади.

дан англаб, янада фаол ва фидойи бўлишга чорлайди.

Юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборни доим ҳис этиб келмокдамиз, — дейди «Йилнинг энг яхши хўнаманди» номинацияси голиби Жасур Жумаев. — Ижодкор эътибордан чинакам илҳом ва рағбат, маънавий қувват олади. Меҳнатимизнинг шундай юксак эътирофи улкан бахтдир.

Тантанали кечада турли номинациялар бўйича совриндорларга «Эътироф — 2015» мукофотининг статуеткаси, диплом ва совғалар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт дастури кечага янада фойз бағишлади.

Нозокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Поезд қатновлари учун

чегирмалар белгиланди

Саноқли кунлардан кейин ўқувчи ва талаба ёшларнинг 2015-2016 ўқув йилидаги қишки таътили бошланади. Шу муносабат билан анъанавий «Ўзтемирйўлўловчи» акциядорлик жамияти томонидан декабрь ойида ўқувчи ва талабалар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмокда.

Хусусан, олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабалар сонини аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Шунингдек, махсус кассалар ажратили, маълумотхоналарни кўпайтириш режалаштирилган.

Ўқувчи ва талабаларнинг қишки таътилда темир йўл орқали ўз манзилларига бориб келишлари учун декабрь ойининг охиригиги турт куни ва январь ойининг биринчи ўн куни мобайнида чипталарни



расмийлаштиришда 50 фоиз чегирма белгиланди. Бу ҳақда «Ўзтемирйўлўловчи» акциядорлик жамияти расмий сайти хабар бермокда.

Бундан ташқари, йўловчиларнинг сони ошган тақдирда жадвалдаги поездларга қўшимча вагонлар уланиши ёки «Тошкент-Сариосиё-Тошкент», «Тошкент-Қарши-Тошкент», «Тошкент-Бухоро-Тошкент», «Тошкент-Кўнгирот-Тошкент» йўналишлари бўйича қўшимча поездлар ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.



ЎТГАН 5 ЙИЛ ДАВОМИДА
ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ЖАМИ БЎЛИБ
ҚАРИЙБ 67 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР
ИНВЕСТИЦИЯ ЙЎНАЛТИРИЛДИ, БУНИНГ
21 ФОИЗДАН ОРТИГИ ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРДИР.



КЕКСАЛАРИМИЗНИ МОДДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
МАҚСАДИДА ШУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА 2 МИЛЛИОН 750 МИНГ
НАФАР ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАРИМИЗНИНГ ПЕНСИЯ
МИҚДОРИ 20 ФОИЗДАН ЗИЁД КўПАЙТИРИЛИБ, УЛАРГА
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН 12 ТРИЛЛИОН 888
МИЛЛИАРД СўМ ПЕНСИЯ ТўЛАНГАН.

Жорий йилнинг 14 декабрига қадар мазкур йўналишда 62 марта божхона қоидабузарликлари аниқланган ва қиймати 55,6 миллион сўмлик 659 минг дондан ортиқ пиротехника воситалари ноқонуний равишда республикаимиз ҳудудига киритилишининг олди олинган.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 22-dekabr. Seshanba
151-152 (32.055)-son
www.uzbekistonovozi.uz

5

Ёш мақом ижрочилари

республика танловининг
якуний босқичи ўтказил-
моқда

Маданият ва спорт ишлари вазирилик томонидан ташкил этилган ушбу танлов 19-25 декабрь кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтади. Бу ҳақда вазирилик матбуот хизмати хабар бермоқда.

Танловнинг биринчи (ҳудудий) босқичи 23 октябрь-14 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этилди.

Ҳудудий босқичларда 18 ёшдан 31 ёшгача бўлган 454 нафар иқтидорли ёш иштирок этди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Хитойда ўтказилган 24-Бутунжаҳон Хотира чемпионатида ҳамюртимиз Ҳусниддин Исмоилов ёдда сақлаш қобилиятини намойён этиб, кўпчилиكنи лол қолдирди.

16-18 декабрь кунлари Ченду шаҳрида ўтган бу чемпионатда ҳамюртимиз 1 соат ичида 1460 та рақамни эслаб қолиш ва бошқа шартларни бажариб, Халқаро хотира спорти устаси (International Master of Memory) унвонига эга бўлди.

Ҳусниддин Исмоилов ҳозирда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаси.

Газдан заҳарланиш- нинг

олдини олишга
қаратилган тадбирлар
ўтказилмоқда

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ҳудудий бошқармалари мутахассислари томонидан аҳоли орасида табиий ва исгазидан заҳарланишнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ҳақда ФВВ матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мазкур тадбирлар, рейдлар ўтказиш, табиий ва исгазининг инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавфлилик даражаси тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боришни ўз ичига олади.

Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши қиш мавсумида, яъни об-ҳавонинг кескин пасайганида аҳоли орасида иситиш мосламаларидан, турли ёқилгилардан кенг фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ.

Рейдлар давомида 2 мингдан ортиқ ностандарт, сифати кафолатланмаган газ ва бошқа иситиш ускуналари сотиш ҳамда улардан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Бундан ташқари, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги газ мосламаларидан фойдаланишда эҳтиёт бўлишга чорловчи SMS хабарларни фуқароларнинг мобиль телефонига юбормоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

ноқонуний тарзда мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилишига йўл қўймайлик

■ Бугунги кунда дунё миқёсида кўнгилочар ва бошқа маиший мақсадларда ишлатиладиган пиротехника буюмларидан фойдаланиш кўламининг тобора ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, янги йил кириб келиши олдида мазкур масала янада долзарб-лашади. Бу эса ўз ўрнида пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ошишига ҳамда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигига жиддий хавф туғилишига олиб келади.

Ҳукуматимиз томонидан республика ҳудудига пиротехника воситаларини ноқонуний кириб келиши ва айланганининг олдини олиш, шунингдек, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан божхона органлари томонидан муайян ва мақсадли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

— Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун пиротехника буюмлари муомаласи бўйича самарали давлат назорати ўрнатилишида, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, хусусан, уларнинг саломатликлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Давлат божхона қўмитасининг Ахборот хизмати катта инспектори Хусан Тангриев. — Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати»-га пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш билан боғлиқ фаолият ҳам киритилди. Қолаверса, пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг кучайтирилиши бу борада божхона органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди.

Мамлакатимиз божхоначилари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда бу борадаги қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида доимий чора-тадбирлар қўриб бормоқда. Натижа-

да жорий йилнинг 14 декабрига қадар мазкур йўналишда 62 марта божхона қоидабузарликлари аниқланган ва қиймати 55,6 миллион сўмлик 659 минг дондан ортиқ пиротехника воситалари ноқонуний равишда республикаимиз ҳудудига киритилишининг олди олинган.

Жумладан, Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Ғиштқўприк» чегара-божхона мажмуаси орқали республикаимизга пиёда тарзда кириб келадиган Янгийўл туманидан Мақсуда Намозованинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) безовталаниши божхоначиларда шубҳа уйғотди. Шундан сўнг ушбу аёл ҳолислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказилганда, у эғнидаги курткасининг ички чўнтақларига 360 дон пиротехника воситаларини яшириб олгани фош қилинди. Ушбу қоидабузар аёл қиймати 360 минг сўмлик салкам 300 грамм оғирликдаги мазкур пиротехника буюмларини йўловчи божхона декларациясида ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида ҳам маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишга уринган экан. Шунингдек, яна ушбу чегара-божхона мажмуаси ходимлари томонидан андишонлик Муниса Маъмурованинг ҳам қўнғир қўлишларига чек қўйилди. Унга тегишли қўл юклар божхона кўригидан ўтказилганда, улар орасида қонунга зид равишда олиб ўтиладиган қиймати 100 минг сўмлик 0,5 кг оғирликдаги пиротехника воситалари борлиги аниқланди.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб кирилишининг олди олинди.

Фарғона туманининг қўшни давлатга чегарадош ҳудудига истиқо-



■ Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб кирилиши бартараф этилди.

мат қилувчи Ботир Саломов бошқарувидаги «Тико» русумли автомашина тўхтатилиб текширилганда, унинг саломи ва юкхонасида божхона расмийлаштирувни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 957 кўтида 57 минг дон пиротехника воситалари ноқонуний равишда республикаимиз ҳудудига олиб кириладигани фош қилинди. Дастлабки суриштирувларга кўра, қиймати 3,8 миллион сўмлик 57 кг. оғирликдаги мазкур пиротехника воситалари шахрихонлик Дилдор Нормбековага тегишли эканлиги аниқланди. Ушбу ҳудудда Холиқ Юсупов бошқарувида ҳаракатланаётган «Хундай-Портер» автомашинаси тўхтатилиб кўздан кечирилганда, унда 2,5 мингдан ортиқ кўтиларда пиротехника воситалари ноқонуний равишда олиб кириладигани аниқланди. Қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ бўлган мазкур пиротехника буюмларининг умумий оғирлиги 154,5 кг.ни ташкил қилди.

Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбир давомида яширин равишда сақланаётган йирик миқдордаги пиротехника воситалари фош этилди. Олинган тезкор маълумотлар асосида Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи бир-бирига қариндош фуқаролар Боймуродовларнинг хонадонлари амалдаги тартибларга мувофиқ ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, бу ерда муқаддам ноқонуний йўллар билан олиб кирилган 436 минг дондан ортиқ пиротехника воситалари тегишли ҳужжатларсиз яширин равишда сақланаётгани маълум бўлди. Ҳозирда ушбу барча ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда юрдошларимизга пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига оид ва бошқа божхона қоидабузарликлари юзасидан Давлат божхона қўмитасининг 120-76-27 ишонч телефонига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтмоқчи эдик. Ҳудудий божхона бошқармалари ишонч телефонларининг тўлиқ рўйхатини эса www.customs.uz сайтидан олиш мумкин. Унутманг, бу билан сиз Янги йил арафасида ўзингиз, оилангиз, қўни-қўшиниғиз ва юрдошларимиз саломатлиги ҳамда хотиржамлигини таъминлашга ҳисса қўшган бўласиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Қўрғонтепа тумани ҳокимлиги, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида Қорасув қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасини ташкил қилди. Унда 109 корхона-ташкilot, муассаса ва фермер хўжалиги 282 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ёшлар иш ўрнига эга бўлди

— Хонобод саноат иктисодиёт касб-хунар коллежига кимё фани ўқитувчиси сифатида ишга жойлашдим, — дейди Султонобод шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи Акмалжон Курбонов. — Бундан жуда мамнунман.

Меҳнат ярмаркаси якунида 260 дан ортиқ фуқарога ишга жойлашиш учун йўланма берилди. Уларнинг 30 га яқини касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

Ахмодилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги йил тадбири

Эртак қаҳрамонлари болажонлар ҳузурида



Мамлакатимизнинг таълим-тарбия муассасаларида Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари иштирокида Янги йил тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Чилонзор туманидаги 4-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳам бўлиб ўтди.

Қарийб 500 нафардан ортиқ болажонларни ўз бағрига олган мазкур таълим масканининг ўқув хоналари илғор технология ва кўргазмалар воситалари билан жиҳозланган. Ўқувчилар дарсдан бўш

вақтини турли тўғаракларда мазмунли ўтказмоқда. Янги йил арафасида ушбу таълим муассасасида математика фанидан ўтказилган очик дарсда ўқувчилар ўз билимларини устозлари олдида синовдан ўтказишди.

Шунингдек, тадбирлар доирасида болажонларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя

қилиш борасида сабоқлар берилди.

Очик дарс ҳамда ёнғин хавфсизлиги тадбирлари яқинлашиб келадиган Янги йил байрам тадбирига улашиб кетди.

Болажонлар турли эртаклар қаҳрамонлари даврасида, ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатишган арча атрофида шеърлар айтиб, ўйин-ға туюшди. Шўх-шодон кўй-қўшиқ ва рақслар, қизиқарли томошалар болаларга бир олам қувонч улашди.

Гулноза МУҲАММЕДОВА

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

«Ўзфармсанот» акциядорлик концерни томонидан Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ДОРИ-ДАРМОН

маҳаллийлаштирил-
моқда, турлари кўпай-
моқда

— Президентимиз раҳнамолигида фармацевтика саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар аҳолини сифатли доридармон билан таъминлаш ва инсон саломатлигини асрашда муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Ўзфармсанот» акциядорлик концерни аппарати раҳбари Нодир Ибрагимов. — Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика саноати ички бозорнинг учдан бир қисмини маҳаллий дори воситалари билан таъминламоқда. Қолаверса, фармацевтика корхоналаримиз томонидан 90 та фармакотерапевтик гуруҳга мансуб бир ярим мингга яқин дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ишлар кўламини янада кенгайтириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулотлар рақобатбардорлигини ошириш борасида доимий изланишлар олиб боришмоқда. Айни вақтда 42 маҳаллий корхонада ISO-9001 сифатни бошқариш тизими ва 8 корхонада GMP халқаро стандарти жорий этилган.

Шунингдек, маҳсулот экспортини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда концерн таркибидagi 15 корхонанинг 200 дан ортиқ препаратлари 12 хорижий мамлакатда рўйхатдан ўтказилган. Натижада жорий йилда маҳсулот экспорти 11,0 миллион АҚШ долларини ёки ўтган йилга нисбатан 118,3 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 11 февралдаги «2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»-ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтирмоқда. Хусусан, тизимдаги корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига четдан маҳсулотларнинг импорт қилишни жорий йилда 48,2 фоизга, 2019 йилгача эса 62,5 фоизгача камайтириш режалаштирилган. Қолаверса, ушбу йилнинг якунига белинган лойиҳаларга қарийб 59,7 миллион АҚШ доллари миқдоридан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилган.

Тадбирда таъкидланишича, концерн тизимидаги корхоналарда 30 га яқин лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган. Натижада жорий йилда 20 та фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича 65 номда янги дори воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, қарийб 60 миллион АҚШ доллари миқдоридан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилган.

Анжуманда маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар, ўзлаштирилган янги маҳсулотлар, экспорт ҳажмини ошириш бўйича бажариладиган чора-тадбирлар самаралари, фармацевтика саноатини ривожлантириш истиқболларига оид маърузалар тингланди. Шунингдек, мамлакатимиз фармацевтика саноатининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, доридармон ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фармацевтика саноатига инвестиция лойиҳаларини жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофича жавоб қайтарилди.

Тоштемир МУРОД




■ БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИДА МАМЛАКАТ XXV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА УЧРАШУВЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА ШУНИ АЙТИШ КЕРАККИ, МУСОБАҚАДА ЎН ОЛТИ ЖАМОА ИШТИРОК ЭТАДИ. УНДА ТОШКЕНТНИНГ «ОБОД» ФУТБОЛ КЛУБИ АЪЗОЛАРИ ДЕБЮТАНТ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ. ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ СОАТ 11:00 ДА БОШЛАНДИ.



■ ЯПОНИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА КЛУБЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛИДА ИСПАНИЯНИНГ «БАРСЕЛОНА» ЖАМОАСИ АРГЕНТИНАНИНГ «РИВЕР ПЛЕЙТ» ФУТБОЛЧИЛАРИНИ ЕНГДИ — 3:0.

УЧИНЧИ ЎРИН УЧУН КЕЧГАН БАҲСДА МЕЗБОНЛАРНИНГ «САНФРЕЧЧЕ ХИРОСИМА» ВАКИЛЛАРИ ХИТОЙНИНГ «ГУАНЧЖОУ ЗВЕРГРАНД» АЪЗОЛАРИДАН УСТУН КЕЛДИ — 2:1.




**Яқинлашиб келаётган Янги йил муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!**

**Қалбга қувонч ва шодлик бахш этувчи, орзу-
умидларимизга қанот бағишловчи байрам
билан ватандошларимизни чин кўнгилдан
табриклаймиз.**

**Соғлом она ва бола йилида барчага мустаҳкам
соғлик, оилавий бахт-саодат тилаймиз!**

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» жамоаси.



РЕКЛАМА ЎРНИДА

Кредитлар ва янги иш ўринлари

Мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарор фаолияти иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожланишига хизмат қилмоқда. Зеро, тижорат банкларининг кредитлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришнинг ўсиши, хизматлар ва сервис соҳасининг такомиллашуви, аҳоли бандлиги таъминланиши ва даромади ошишида долзарб аҳамият касб этади.

Бунини «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» молиявий кўмағида ўз фаолиятини йўлга қўйган мижозларнинг эътирофидан ҳам билиш мумкин.

Алишер СОБИРОВ,
«Радиоэлектроника системалари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Хоразм вилояти):

— Ўзсаноатқурилишбанк томонидан ажратилган кредитлар ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини йўлга қўймоқда. Ўзимиздан қиёс, банкнинг Хоразм минтақавий филиали томонидан ажратилган 70 миллион сўм кредит ҳисобига замонавий ускуналарни сотиб олдик. Натижада ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Жаҳон андозаларига мос равишда чиқараётган маҳсулотларимиз — темир дарвозалар, эшиклар ва панжаралар, алюмин ойна ва

эшик ромлари хариддорларга манзур бўляпти. Ҳозир йилига салкам 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. 3 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладик.

Кириб келаётган 2016 йилда фаолиятимизни кенгайтиришни ният қилганмиз. Бунда яқин ҳамкоримиз бўлган Ўзсаноатқурилишбанкнинг молиявий кўмағига таянамиз.

Мадамин ХАЛИЛОВ,
«Kampana end plast» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Навоий вилояти):

— Корхонамиз алюмин профилларини ишлаб чиқаришга иқтисослашган. Фаолиятимизни йўлга қўйишда Ўзсаноатқурилишбанк билан ҳамкорлигимиз кўл келди. Ўтган йил бошида бизнес-режамизга



Хизматлар лицензияланган.

кўра, банкнинг Навоий минтақавий филиалидан 185 миллион сўм кредит олдик. Сармоя ҳисобига Хитойдан замонавий ускуна келтирдик. Бу ишимизга барака келтирди. Ҳозир йилига 125 миллион сўмлик 6 хил алюмин эшик ва ромларни хариддорларга етказиб бераёпмиз. Корхонамизда 6 янги иш ўрни яратдик.

Улғубек КЕНЖАЕВ,
«Priceless invest» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Қашқадарё вилояти):

— Бизнинг корхонамиз банкнинг Қашқадарё минтақавий филиалидан ажратилган 183 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит асосида ўз фаолиятини ривожлантирмоқда. Ўз вақтида кўрсатилган мо-

лиявий кўмак туфайли соати-тақавий филиалидан 185 миллион сўм кредит олдик. Сармоя ҳисобига Хитойдан замонавий ускуна келтирдик. Бу ишимизга барака келтирди. Ҳозир йилига 125 миллион сўмлик 6 хил алюмин эшик ва ромларни хариддорларга етказиб бераёпмиз. Корхонамизда 6 янги иш ўрни яратдик.

Мухтасар айтганда, «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» сармоялари юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда. Бу эзгу ишлар яқинлашиб келаётган янги йилда ҳам изчил давом этади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



O'ZSANOATQURILISHBANK

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»



ЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 110-уй.

Мўлжал: Телевизион минора қаршисида.

Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.

www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

■ ПАРИЖДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 23 ЙИЛЛИГИ» ҲАМДА «2016 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ МАВЗУЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ФРАНЦИЯНИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМ ВА ЭКСПЕРТЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



■ ВАШИНГТОНДА «WINTERNAIONAL» IV ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ МАДАНИЯТИ, АНЪАНАЛАРИ ВА САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН МАЗКУР ТАДБИРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АҚШДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ АСАРЛАРИ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК БУЮМЛАРИ ТАҚДИМОТИ УЮШТИРИЛДИ.

«ФАРФОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»



**унитар шўъба корхонаси жамоаси
халқимизни кириб келаётган
Янги йил билан муборакбод этади.**

*Эзгу мақсадлар йўлида
олиб бораётган яратувчанлик
ва бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилайди.
Янги йил ҳар бир оилага
тинчлик, хотиржамлик,
фаровонлик олиб
келсин!*





МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

барча ҳамюртларимизни кириб
келаётган Янги йил билан самимий
қутлайди!

Халқимизнинг номоддий маданий
меросини асраш, тарғиб этиш ва ёш
авlodга етказиш йўлида фидойи бўлиб
меҳнат қилаётган соҳа ходимларига
янги зафарлар тилайди!



TOSHRANGMETZAVOD

Yangi yilingiz bilan!

Aziz yurtdoshlar!

«TOSHRANGMETZAVOD» AJ jamoasi

Sizlarni kirib kelayotgan 2016 yil bilan chin yurakdan qutlaydi!

*Barchangizga sihat-salomatlik, tinchlik-omonlik,
baxt-saodat, xonadonlaringizga xotirjamlik va
farovonlik tilab qoladi.*

Osmonimiz doimo musaffo, yurtimiz tinch bo'lsin!

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihiiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259

10402

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.50

Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusolim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6